ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

# ҚИШ ПАЙТИДА БАЖАРИЛАДИГАН ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ВА ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ САРФИГА ҚЎШИМЧА СМЕТА НОРМАЛАРИ ТЎПЛАМИ

# ШНҚ 4.07.01 - 19

РАСМИЙ НАШР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ - 2019

**ШНҚ 4.07.01 - 19 Қиш пайтида бажариладиган қурилиш-монтаж ва қурилиш-таъмирлаш ишлари сарфига қўшимча смета нормалари тўплами.**

**ШНҚ 4.07–06 Қиш пайтида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сарфига қўшимча смета нормалари тўплами, ШНҚ 4.07-06 Қиш пайтида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сарфига қўшимча смета нормалари тўпламига таъмирлаш-қурилиш ишлари бўйича қўшимча «QISHLOQQURILISHLOYIHA» МЧЖ томонидан «QURILISH IQTISODIYOTI INSTITUTI» МЧЖ билан ҳамкорликда қайта ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2019 йил 18 ноябрь 519 - сон буйруғи билан тасдиқланган.**

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси томонидан тасдиқлаш учун тайёрланган.**

**ШНҚ 4.07.01 - 19 Қиш пайтида бажариладиган қурилиш-монтаж ва қурилиш-таъмирлаш ишлари сарфига қўшимча смета нормалари тўплами жорий этилиши билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ШНҚ 4.07–06 Қиш пайтида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сарфига қўшимча смета нормалари тўплами, ШНҚ 4.07-06 Қиш пайтида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сарфига қўшимча смета нормалари тўпламига таъмирлаш-қурилиш ишлари бўйича қўшимча ўз кучини йўқотади.**

**Меъерий хужжатдан фойдаланилганда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва “Ўзстандарт” Агентлиги томонидан нашр этилган қурилиш меъерлари ва қоидаларига ҳамда давлат стандартларига киритилган ўзгартиришлар ҳисобга олиниши керак.**

**Мазкур меъерий хужжатни расмий нашр сифатида тўлиқ ёки қисман қайта ишлаб чиқиш, кўпайтириш ва тарқатиш Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва хужжатни ишлаб чиққан ташкилот рухсатисиз амалга оширилмайди.**

| Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги | Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари | ШНҚ 4.07.01-19 |
|---|---|---|
| | Қиш пайтида бажариладиган қурилиш-монтаж ва қурилиш-таъмирлаш ишлари сарфига қўшимча смета нормалари тўплами | ШНҚ 4.07-06 ва ШНҚ 4.07-06 га қўшимча ўрнига |

## Кириш

**1.** Мазкур тўплам нормалари барча даражадаги давлат бюджети ва мақсадли бюджетдан ташқари фондлар, хамда мвқсадли фондлар, маблағларини жалб этган ҳолда қурилиш-монтаж ишлари ва таъмирлаш-қурилиш ишларини олиб борувчи барча корхоналар ва ташкилотлар учун тегишлигили ва мулкчилик шаклидан қатъий назар (инвестиция жараёнлари иштирокчилари), мажбурийдир.

**2.** Молиялаштирилиши корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан олиб бориладиган қурилишлар учун нормалар тавсия характерига эгадир.

# I - БЎЛИМ

## Қиш пайтида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сарфига қўшимча смета нормалари

### 1. Умумий ҳолатлар

**1.** Мазкур I - бўлим нормалари жорий нарҳда қурилиш-монтаж ишларини қиш пайтида бажаришда сарф бўладиган қўшимча харажатлар смета баҳосини ҳисоблаб аниқлаш учун қўлланилади.

**2.** I - бўлим иккита бўлинмажан иборат: I - бўлим “Қурилиш турлари бўйича смета нормалари”, II - бўлинма “Конструкциялар ва иш турлари бўйича қўшимча харажатлар смета нормалари”

I - бўлим нормалари смета ҳужжатларини тузишда ва уларни қиш пайтида бажаришда қўшимча харажатлар смета лимитини аниқлашда, ҳамда бажарилган ишлар учун буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги ҳисоб-китоб қилишда қўлланади.

II - бўлим нормалари бажарилган қурилиш ва монтаж ишларини, тегишлилигидан қатъий назар, бош пудратчилар ва субпудратчилар ўртасидаги ўзаро хисоб-китобни амалга ошириш учун қўлланилиди.

Қурилишнинг янги турларига, шунингдек мазкур тўпламнинг I-бўлимида келтирилмаганларга, II - бўлимнинг тааллуқли нормаларини қиш даврининг солиштирма оғирлигини хисобга олувчи коэффициентлари билан қўллаш мумкин (2 - жадвалга қаралсин).

**4.** Смета нормаларида айтилган ҳолатдан ташқари қиш пайтида ишларни бажариш қийинчилиги билан боғлиқ қўшимча харажатлар ҳисобга олинган. Уларга очиқ ҳавода ва иситилмаган хоналарда ишловчи ишчиларга қўшимча ҳақ, ҳамда айрим қурилиш ишларининг бажариш технологиясини ўзгариши билан боғлиқ, қурилиш материалларини ортиқча сарфи,

| Лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси томонидан киритилган киритилган | Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил “18” ноябрь 519-сон буйруғи билан тасдиқланган | Кучга кириш муддати 2020 йил 1 январь |
|---|---|---|

Расмий нашр

қурилиш машиналаридан фойдаланишдаги қўшимча харажатлар (ёқилғи-мойлаш материалларининг, меҳнат унумдорлигини сусайиши ва шунга ўхшаш) музлаган грунтларни юмшатиш ва бошқалар.

**5.** Қўшимча харажат нормалари қиш даврининг ҳарорати (1 - жадвал) шароитига боғлиқ бўлиб ҳарорат зоналари дифференциялашган.

**6.** Ҳарорат зонаси ва қиш даврининг ҳисобли муддати, ҳар-бир муайян қурилиш учун, қурилишнинг жойлашган ўрнига биноан тўпламнинг № 1 иловасига асосан, ишларни бажаришда ташқи ҳавони фактик ҳароратидан қатъий назар.

7. I ҳарорат зонасидан жануброқда ўрнашган, йилнинг қиш вақтидаги ишларни бажаришни ўзига хос шароитидан келиб чиққан қўшимча харажатлар, ҳавонинг ўрта суткалик ҳарорати 0 $^0$С паст бўлган иш кунларига ишларни бажарувчи ташкилотлар I зона учун нормаларда кўрсатилиши бўйича тўланиши мумкин. Шу билан бирга бажарилган барча ишлар ҳажми ҳисобини қўшимча харажатлари суммаси ўртача суткали ташқи ҳаво ҳарорати 0 $^0$С паст бўлганда, ишчи кунлар сони барча иш хажмларини бажариш давридаги умумий календар ишчи кунлар сонига нисбатан пропорционал тарзда камаяди. Салбий ҳароратли ишчи кунлар сони об-ҳаво хизмати маълумотлари асосида, агар ушбу жой бўйича маълумотлар йўқ бўлса, буюртмачи ва пудратчи маълумотлари асосида қабул қилинади.

**1 - жадвал**

| Ҳарорат зоналари | Қиш даврининг ўртача ойлик салбий ҳароратининг ўртача кўрсаткичлари, $^0$С |
|---|---|
| I | 3 гача |
| II | 5 |

**8.** I - бўлим нормаларида ҳисобга олинмаган харажатлар:

а) конструкцияларни юқори намлигини йўқотиш ёки пардоз ишларини бажаришда юзаларга ишлов бериш ва бошқа махсус ишларни техник шартлари талабига биноан йўқотиш учун ўрнатилган иситиш даври чегарасидан ташқари вақтинчалик иситиш. Харажатлар мазкур тўпламнинг II - боб, 2 - бўлимида кўрсатилган тартибда лойиҳалаш ташкилоти бажарган ҳисоблар асосида керакли вақтинчалик иситиш муддатини ҳисобга олиб аниқланади.

б) қурилишнинг қарамоғидаги киритиладиган релссиз йўлларни, магистралдан қурилиш майдонигача бўлганларини қорлардан тозалаш, ҳамда қуриладиган объектлар қурилиш майдонини (ишчи зоналарини ташкил этиш билан бирга), қиш давридан бошлаб қорлардан дастлабки тозалашлар.

# I - БЎЛИМ.
# ҚУРИЛИШ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА СМЕТА НОРМАЛАРИ

## Техник қисм

**1.** Қурилиш-монтаж ишларини қиш пайтида бажариладиган ишларини қўшимча харажатлари айрим қурилиш турларини тўпламнинг 3-жадвали нормалари бўйича қурилиш ва монтаж ишларининг тўғридан-тўғри харажати баҳосидан кўрсатилган фоизда аниқланади.

Туннеллар ва метрополитенлар қурилиши нормалари 3 - жадвалда асосий ишларни смета баҳосидан (хизмат жараёнларисиз) объектлар қурилишининг жамланган смета ҳисоби бўйича аниқланади.

Бунда қолган ишларни қўшимча харажатлари қиш пайтида бажарилиши қўшимча равишда норманинг 3-жадвали бўйича аниқланади:

VI банд. 4а (Йўл қурилиши: Трассаларни ўзлаштириш ва қурилиш ҳудудларини тайёрлаш) - қурилиш территориясини тайёрлаш бўйича ишларига;

VI банд. 2а (Эксплуатация этиладиган хизмат ва ишлаб чиқариш биноларини қуриш: Темир йўл траспорти) - вақтинчалик бинолар ва иншоотларга;

**2.** Нормаларда қиш даврида бажариладиган ишлар билан боғлиқ ҳамма турдаги қўшимча харажатлар, ҳамда қора сувоқдан чиққан биноларни вақтинчалик иситиш ҳисобга олинган, мазкур тўпламнинг умумий қоидаларининг техник қисмининг 8-бандида кўрсатилган харажатлардан ташқари.

**3.** Мазкур бўлимнинг нормалари ўртача йиллик ҳисобланади. Улар қурилишни смета баҳосини ва бажарилган қурилиш-монтаж ишларини йилнинг фактик вақтидан қатъий назар, қайсики ишларни январь ойидан декабрь ойигача йил давомида бажариш амалга оширилишида уларни қўллаш лозим.

Қурилиш муддати бир йилдан кам бўлган иншоотлар учун, қайсики ишларни бошланиши ва тугаши бўйича календар муддатлари ўрнатилган, 3 - жадвал бўйича қиш пайтида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сарфига қўшимча смета нормаларига буюртмачи ва бажарувчи орасида бажарилган ишлар ҳисоб-китоби учун ва ушбу тўплам иловасида келтирилган, қурилишни ҳисобланган қиш пайтида жойлашган территориясини (регионни) ҳисобга олинган холда, йилда қиш даври кунлари хақиқий сонини, бажарилган ишлар муддатидан келиб чиқиб, тегишли регион бўйича тўғри келадиган ҳисобланган қиш даврига, иловада кўрсатилган, ҳисобланган қишги давр календар кунларига бўлиш керак.

Масалан Тошкент вилояти қурилишлари учун ҳисобланган қишги давр илова бўйича 25 декабрдан 20 февралгача - йилда 58 кунни ташкил этади. Агар шу даврда хақиқий ишлатилган кунлар 30 календар кунни ташкил этса, бунда ШНҚ 4.07-06 бўйича қўлланиладиган тузатиш коэффициенти К=30:58=0,518 бўлади.

**4.** Нормаларда йилнинг қиш пайтининг солиштирма оғирлиги қийматини ўртача қиймати кўрсатилган (2-жадвал).

**5.** Қиш даврининг, ҳудуднинг айрим қисмларидаги давомийлиги белгиланган ҳарорат зонасига бириктирилиб, ўрта зонадан ажралиб туриши мумкин, шунинг учун мазкур бўлимнинг ҳисобланган ўртача қиш нормаларига қўшимча харажатлар суммасига мазкур тўпламнинг иловасида келтирилган коэффициентларни қўлланилиши лозим.

**6.** Қиш пайтида қурилиш-монтаж ишларини бажарганда, уй-жой ва жамоат бинолари учун қўшимча харажатлар бутун қурилиш туридан қатъий назар 3-жадвалнинг VIII. 1-банди нормалари бўйича қабул қилинади.

**7.** 3-жадвалнинг, бандлари: I. 4а-ж (энергетика қурилиш корхоналари), V. 6 (омборхоналар ва сақлагичлар), V. 8 (монолит темир-бетонли элеваторлар), VI. 5 (алоқа бинолари ва иншоотлари қурилиши), VIII. 4а-ж (ташқи қувурлар қурилиши) ва IX. 5г (дарахтлар ва буталарни ўтказадиган жойини тайёрлаб экиш ва қайта экиш) келтирилган қўшимча харажат нормалари мустақил лойиҳа-смета хужжатларида кўрсатилган ҳолларда ишлатилади.

Бошқа ҳолларда кўрсатилган ишлар учун, 3-жадвал нормалари саноатнинг, мос турлари, уй-жой фуқоро, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ва бошқа тур қурилишлари бўйича ишлатилиши зарур.

**8.** 3 - жадвал нормаларида кўрсатилмаган қурилиш турлари учун қўшимча харажатлар, ўхшаш қурилиш турлари учун ишлатилган нормалардан фойдаланишга рухсат этилади.

**9.** Саноат узелларини қурилиш смета ҳисоби баҳоси жамламаси, қиш пайтида

қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ қўшимча харажатлари, 3-жадвалнинг мос нормалари бўйича саноатнинг ўрнатилган соҳалари бўйича қурилиш-монтаж ишларини ҳар-бир қурилаётган корхонасининг саноат узели баҳосидан келиб чиқиб аниқланади.

Қиш пайтида қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ қўшимча харажатлар, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хўжалик, автомобил ва темир йўл, энергия, сув билан таъминлаш, канализация ва бошқа тармоқларининг ҳар-бир шундай объектлари учун 3 - жадвалнинг мос нормалари бўйича аниқланади.

**10.** Рангли ва қора металлургия қазилмаларини шахта юзасидаги объектлар, қурилишнинг қўшимча харажатлар смета нормалари кўмир саноати корхоналари учун ўрнатилган нормалар бўйича аниқланади.

**11.** Қиш пайтида уй-жой ва жамоат бинолари, монолит темир-бетонли коммунал хўжалик объектларини қуриш билан боғлиқ қурилиш-монтаж ишларини бажаришдаги қўшимча харажат нормалари мазкур тўпламнинг умумий қоидаларининг 3-банди кўрсатмалари асосида аниқланади.

**12.** Иссиқлик энергияси нарҳи, қабул қилинган баҳодан фарқ қилса, қурилиш-монтаж ишларини бажариш даврида биноларни иситиш, ҳамда конструкцияларни муздан эритиш ва қуритиш давридаги иссиқлик энергияси баҳосидаги фарқ тўпламнинг I - бўлим 5 - жадвалида келтирилган нормалар сарфи чегарасида аниқланиши зарур.

Агар иссиқлик энергияси, энергосистемадан, изоляцияланган ишловчи электростанциядан, туман қозонхоналари ва бошқа энергия билан таъминловчи Ўзбекистон Республикасидаги энергетика тизимидаги корхоналарда келтирилса, уларни баҳоси иссиқлик энергия учун ўрнатилган тариф бўйича қабул қилинади.

**13.** 3-жадвални VIII. 1а-в бандларида келтирилган уй-жой бинолари қурилишини қиш пайтидаги қўшимча харажатлари смета нормалари (йирик панелли, ҳажм-блокли, ғиштли ва ёғочли уй-жой бинолари) учун берилган лойиҳаларда ташқи муҳандислик тармоқлари, ички квартал планировкаси ва ўтиш йўллари, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва шунга ўхшаш.

**14.** Қиш пайтида қуриладиган уй-жойларни қўшимча харажатлари смета нормалари лойиҳада ҳисобга олинган ташқи муҳандислик тармоқлар, ички квартал планировкаси ва ўтиш йўллари, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва шунга ўхшашлар 3-жадвални VIII. 1а-в бандларининг керакли нормалар бўйича коэффициентлар орқали аниқланади:

-йирик панелли, ҳажм-блокли ва ёғочли уй-жой бинолари учун-2;

-ғиштли ва блокли уй-жой бинолари учун-1,7

**2 – жадвал**

| Ҳарорат зоналари | Йилнинг қиш даври солиштирма оғирлиги (ўртача) |
|---|---|
| I | 0,23 |
| II | 0,33 |

## ҚУРИЛИШ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ХАРАЖАТ СМЕТА НОРМАЛАРИ

**3 – жадвал**

| № | Қурилиш турлари | Ҳарорат зоналари | |
|---|---|---|---|
| | | I | II |
| **I. Ёқилғи-энергетика комплекси** | | | |
| 1 | Газ ва нефт саноати корхоналари | 0,8 | 1,6 |
| 2 | Нефтни қайта ишлаш ва нефт кимё саноати корхоналари | 0,6 | 1,4 |
| 3 | Кўмир саноати корхонаси (тоғ-кон проходкаси ишларидан ташқари) | 0,7 | 1,6 |
| 4 | **Энергетика қурилиши корхоналари:** | | |
| | а) Иссиқлик электростанциялари | 0,7 | 1,6 |
| | б) Гидроэлектростанциялари | 0,9 | 1,8 |
| | в) Атом электростанциялари | 0,8 | 1,9 |
| | г) Электр подстанциялари | 0,6 | 1,2 |
| | д) Иссиқлик тармоқлари | 0,5 | 1,1 |
| | е) 35 кв ва юқори электр узатиш ҳаво линиялари | 0,3 | 0,6 |
| | ж) 0,4-10 кв электр узатиш ҳаво линиялари | 0,4 | 1 |
| 5 | **Тоғ-кон проходка ишлари (умум шахта харажатларисиз)** | | |
| | а) Шахта стволлари (шахтага иситилган ҳаво узатиш харажати билан бирга) | 0,8 | 1,8 |
| | б) Шунингдек, ҳавони қиздириш харажатлари | 0,7 | 1,8 |
| | в) Горизонтал ва қиялик ва виработкалар (виработкага қиздирилган ҳавони узатиш харажатлари ҳисоби билан) | 1,2 | 2,2 |
| | г) Шунингдек, ҳавони қиздириш харажатлари | 1,1 | 2,1 |
| **II. Металлургия комплекси** | | | |
| 1 | Қора металлургия корхоналари (тоғ-кон проходкаси ишларидан ва шахта усти объектларидан ташқари) | 0,7 | 1 |
| 2 | Рангли металлургия корхоналари (тоғ-кон проходкаси ишларидан ва шахта усти объектларидан ташқари) | 0,6 | 1,2 |
| **III. Кимё-ўрмончилик комплекси** | | | |
| 1 | Кимё саноати корхоналари | 0,6 | 1,2 |
| 2 | Ўрмончилик, дарахтни қайта ишловчи ва целлюз-қоғозли саноати корхоналари | 0,6 | 1,1 |
| 3 | Тиббиёт саноати корхоналари | 0,6 | 1 |
| 4 | Микробиологик саноати корхоналари | 0,7 | 1,5 |

| № | Қурилиш турлари | Ҳарорат зоналари | |
|---|---|---|---|
| | | I | II |
| **IV. Машинасозлик комплекси** | | | |
| 1 | Оғир энергетика ва транспорт машинасозлиги корхоналари | 0,7 | 1,3 |
| 2 | Қишлоқ хўжалиги ва трактор машинасозлиги корхоналари | 0,4 | 1,1 |
| 3 | Электротехник саноати корхоналари | 0,9 | 1,5 |
| 4 | Дастгоҳлик ва асбобсозлик саноати корхоналари | 0,7 | 1,4 |
| 5 | Приборсозлик ва автоматизация воситалари корхоналари | 0,7 | 1,3 |
| 6 | Автомобил ва подшипниклик саноати корхоналари | 0,7 | 1,4 |
| 7 | Енгил ва бошқа машинасозлик корхоналари | 0,6 | 1,3 |
| **V. Агро-саноати комплекси** | | | |
| 1 | Қишлоқ хўжалиги қурилиши (таъмирлаш устахоналари, таъминлаш базалари, теплица-парникли комбинатлар ва шунга ўхшашлар) | 0,5 | 1,2 |
| 2 | Озиқ-овқат саноати корхоналари | 0,8 | 1,3 |
| 3 | Гўшт саноати корхонаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотини дастлабки қайта ишловчи корхоналари | 0,6 | 1 |
| 4 | Сут саноати корхонаси, шакар ва консерва заводлари | 0,6 | 1 |
| 5 | Балиқчилик хўжалиги корхоналари | 0,8 | 1,5 |
| 6 | Омборхоналар ва сақлагичлар | 0,6 | 1,3 |
| 7 | Йиғма темир-бетондан элеваторлар | 0,6 | 1,1 |
| 8 | Монолит темир-бетонли элеваторлар | 2,5 | 3,8 |
| 9 | Музлатгичлар | 0,8 | 1,7 |
| **VI. Нефтегаз маҳсулоти қувурлари қурилиши** | | | |
| 1 | Нефтегаз маҳсулоти қувурлари қурилиши | 0,4 | 0,7 |
| 2 | **Эксплуатация этиладиган хизмат ва ишлаб чиқариш биноларини қуриш:** | | |
| | а) Темир йўл траспорти | 1,4 | 2 |
| | б) Автомобил транспорти, таъмирлаш базалари ва қурилиш машиналарига хизмат қилиш | 0,7 | 1,2 |
| | в) Дарё транспорти | 0,6 | 1,1 |
| | г) Ҳаво транспорти | 0,4 | 0,9 |
| 3 | Ҳаво транспортининг учиш майдонлари | 0,3 | 1 |
| 4 | **Йўл қурилиши:** | | |
| | а) Трассаларни ўзлаштириш ва қурилиш ҳудудларини тайёрлаш | 0,5 | 1,5 |

| № | Қурилиш турлари | Ҳарорат зоналари | |
|---|---|---|---|
| | | I | II |
| | **Грунтлардан ер полотноси:** | | |
| | б) Оддий | 2,1 | 4,1 |
| | в) Дренажлаштирилган | 0,5 | 1,2 |
| | г) Қояли | 0,2 | 0,7 |
| | д) Ер полотно йўлини гидромеханизация усули билан барпо этиш | 1,7 | 3,5 |
| | е) Ер полотно йўлини мустаҳкамлаш ва иншоотларни бошқариш | 0,3 | 0,6 |
| | **Кўприклар ва кўприк йўллар:** | | |
| | ж) Оралиқдаги темир-бетон қурилмалари | 1,5 | 2,9 |
| | з) Оралиқдаги металл қурилмалари | 0,6 | 1,3 |
| | и) Бошқа сунъий иншоотлар | 0,9 | 1,9 |
| | к) Йўлнинг юқори қурилмаси | 0,5 | 0,9 |
| | л) Темир йўлларни электрофикациялаш, марказлаштириш ва блоклаштириш | 0,8 | 1,4 |
| | м) Алоқа, сигнализация, марказлаштириш ва блоклаштириш қурилмалари | 0,6 | 1,6 |
| 4 | н) Сув таъминоти ва канализация иншоотлари (ташқи қувурлар ва сиртқи тармоқларсиз) | 1,1 | 2,5 |
| | **Йўл қопламаси:** | | |
| | о) Йиғма темир-бетон плиталаридан | 0,3 | 0,5 |
| | п) Цемент-бетонли | 1,3 | 1,8 |
| | р) Асфалт-бетонли | 1 | 1,5 |
| | с) Қора шағалли | 1 | 1,2 |
| | т) Шағалли ёки майда тошли | 0,4 | 0,7 |
| 5 | Алоқа бинолари ва иншоотлари қурилиши | 0,6 | 1 |
| | **VII. Қурилиш комплекси** | | |
| 1 | **Қурилиш материаллари саноати корхоналари:** | | |
| | а) Йиғма темир-бетон, бетон конструкция ва буюмлар заводлари ва полигонлари | 0,9 | 1,5 |
| | б) Тупроқ карьерлари ва қумли майда тошли материалларни майдалаб саралаш заводлари | 0,6 | 1,4 |
| | в) Том ёпиш ва гидроизоляция материаллари, девор материаллари заводлари | 0,8 | 1,5 |
| | г) Цемент заводлари, асбест-цемент ва санитар-техника саноати корхоналари | 0,7 | 1,3 |
| | д) Шиша саноати корхоналари | 0,6 | 1,2 |
| | е) Қурилиш керамикаси корхоналари | 0,5 | 1,1 |
| | ж) Полимер қурилиш материаллари корхоналари | 0,6 | 1,4 |

| № | Қурилиш турлари | Ҳарорат зоналари | |
|---|---|---|---|
| | | I | II |
| | **VIII. Ижтимоий (*Социал*) комплекс** | | |
| 1 | **Уй-жой ва жамоат бинолари қурилиши:** | | |
| | а) Йирик панелли ва ҳажм-блокли уй-жой бинолари | 0,3 | 0,5 |
| | б) Ғиштли ва блокли уй-жой бинолари | 0,4 | 0,7 |
| | в) Ёғоч уй-жой бинолари | 0,4 | 0,8 |
| | г) Жамоат аҳамиятига эга бинолар (академик лицейлар, касб-ҳунар колледжлари, мактаблар, ўқув юртлари, клублар, болалар боғчалари ва яслилар, касалхоналар, санаториялар, дам олиш уйлари ва бошқалар) ва коммунал хўжалик иншоотлари | 0,5 | 1 |
| 2 | **Туннеллар ва метрополитенлар қурилиши:** | | |
| | а) Ёпиқ усул билан ҳавони иситиб | 0,4 | 0,6 |
| | б) Шунингдек, ҳавони қиздирмасдан | 0,2 | 0,4 |
| | в) Очиқ услуб билан | 0,8 | 1,6 |
| 3 | Полиграфия саноати корхоналари | 0,5 | 0,9 |
| 4 | **Ташқи қувурларни қуриш** | | |
| | а) Юмшоқ грунтлардаги сув таъминоти ва газқувурлар | 0,5 | 1,3 |
| | б) Юмшоқ грунтлардаги канализациялар (ер ишлари билан) | 0,8 | 1,4 |
| | в) Қояли грунтлардаги канализациялар ёки газқувурлар, сув таъминотлари | 0,3 | 0,6 |
| | г) Сув қувурли насос станциялари | 1,6 | 2,3 |
| | д) Шунингдек, канализациялар | 1,8 | 2,8 |
| | е) Сув қувурли тозалаш иншоотлари | 0,8 | 1,4 |
| | ж) Шунингдек, канализацияли | 1 | 1,6 |
| | **IX. Комплексга киритилмаган соҳалар** | | |
| 1 | Енгил саноат корхоналари | 0,7 | 1,3 |
| 2 | **Мелиорация ва сув хўжалиги қурилиши:** | | |
| | а) Суғориш | 1,2 | 2,3 |
| | б) Қуритиш | 2 | 3,1 |
| 3 | Авиация ва мудофаа саноати, умумий машинасозлик корхоналари | 0,6 | 1,2 |
| 4 | Алоқа воситалари, радио ва электроника саноати корхоналари | 0,6 | 1,2 |
| 5 | **Бошқа тур қурилишлари:** | | |
| | а) Ер ости иншоотлари учун коллекторлар | 0,8 | 1,3 |
| | б) Пиёдалар учун ер ости ўтиш жойлари | 0,6 | 1,2 |
| | в) Қирғоқларни мустаҳкамлаш ва қирғоқ иншоотлари | 0,2 | 0,6 |
| | г) Дарахтлар ва буталарни ўтказадиган жойини тайёрлаб экиш ва қайта экиш (дарахтлар ва буталарни баҳосини қўшиб) | 0,7 | 1,8 |

# II - БЎЛИМ. КОНСТРУКЦИЯЛАР, ИШЛАР ТУРИ ВА ВАҚТИНЧАЛИК ИСИТИШЛАРГА СМЕТА НОРМАЛАРИ

## I боб. Конструкциялар ва ишлар турига нормалар

### Техник қисм

**1.** Смета нормаларининг I - бобида келтирилган атроф муҳитнинг ижобий ҳароратида бажариладиган тегишли қурилиш-монтаж ишларининг смета баҳосидан фоиз ҳисобида ўрнатилган 28.2, 30.5, 30.8 бандларидаги нормалар релс йўллар, кўндалангига қисмларга ажратилган кўприк оралиқ тўсинлари ва пўлат оралиқ қурилмалар баҳоси ҳисобга олинмасдан қабул қилиниши керак.

Асбоб-ускуналарни монтажи нархлари тўпламларида ҳисобга олинмаган, нормаларнинг 51 - бандидаги асбоб-ускуналар монтажи, монтаж ишлари баҳосидан материал ресурслар харажатини чегириб фоиз ҳисобида келтирилган.

**2.** Нормалар қурилиш-монтаж ишларини қиш вақтида бажарилиши билан боғлиқ қуйидаги харажатлар ва омилларни ҳисобга олади. Уларга киради:

а) меҳнат унумдорлигини пасайишига таъсир қилувчи қўшимча омиллар ва меҳнат харажатлари:

ишчиларни иссиқ кийимда моънели харакати ва қўлқоп билан ишлашдаги ноқулайлик;

қиш пайтида иш жойларида кўришнинг ёмонлашуви; иш жойларида муз ва қорларнинг борлиги; пойафзаллар, материаллар, конструкциялар ва инструментларнинг музлаб қолиши;ишлаш жараёнида иш жойлари, материаллар ва бошқаларни вақти-вақти билан қордан тозалаш зарурияти;

қиш вақтида қурилиш машиналари ва механизмларини унумдорлигининг пасайиши;

10 м/с гача (қўшиб ҳисоблаганда) шамол тезлигини мавжудлиги;

паст ҳарорат билан боғлиқ технологик жараёнларни қийинлашиши (ишчиларни исиниши учун вақтинчалик иншоотларни тайёрлаш, вақтинчалик водопровод тармоқлари ва бакларни иситгич материаллар билан ўраш, транспортда бетон ва қоришмаларни ташиганда иситиш мосламаларидан фойдаланиш);

б) қурилиш–монтаж ишларини ташқи ҳавони салбий ҳароратида бажарилиши билан боғлиқ усулларини қўшимча ишлари ва харажатлари:

музлаган грунтларни юмшатиш;

грунтларни муздан сақлаш;

грунтларни муздан тушириш;

тез қотувчи бетонлар ва қоришмаларни ишлатиш;

бетонлар ва қоришмаларга кимёвий қўшимчаларни киритиш;

бетонни электр билан қиздириш;

буюмлар, қувурлар ва кабелларни охирини қиздириш;

оддий иссиқ хоналарни қуриш ва бузиш;

иш жойларини қор уюмидан тўсиш ва шунга ўхшаш;

в) қиш пайтида бажариладиган ишлар билан боғлиқ йўқотиладиган материалларни қўшимча харажатлари.

**3.** Қиш даврида бажарилган ишларни қўшимча харажатлари 4-жадвалда келтирилган нормалар бутун хажм ишлар бўйича ҳисобланади, агар бажарилган ишларни бир қисми ёз даврига тўғри келса, бутун хажм ишларига ҳисобланган ишчи кунлар сонини бутун иш давридаги ишчи кунлар нисбатига кўпайтириш керак. Қиш даврига алоқадор ишчи кунлар сонини мазкур тўпламнинг иловасига мувофиқ қурилишнинг факти бўйича бошланиши ва тугалланишини ҳисобга олган ҳолда.

**4.** Нормалардан фойдаланилганда ер, тоғ-кон қазилмаларини юзини очиш ва пармалаб портлатиш ишларида қиш вақтидаги грунтларни кавлаш харажатлари, ташқи ҳавони салбий ҳарорати ва музлаган грунт юзага келтирган сарфлар суммасига, олдиндан келишилган алоҳида ҳоллардан ташқари жараёнлардаги кавлашларга ушбу омиллардан биттаси таъсир этади (салбий

ҳароратда муздан тушган грунтларни кавлаш ёки ижобий ҳароратларда музлаган грунтларни кавлаш).

**5.** Ер, тоғ-кон қазилмаларини юзини очиш ва пармалаб портлатиш ишларида қўшимча харажатлар суммаси учун икки томонлама далолатнома, ҳар ойнинг охирида музлаган грунтни қалинлигини белгилаш, ишлатиладиган грунтларни тайёрлаш, у ёки бошқа усул билан бажариладиган ер ишлари ҳажмини белгилашга икки томонлама тузилган далолатнома асос бўлади.

**6.** Юмшатиш ва муздан тушган грунтларни қўлда кавлаш, муздан тушган ва музлаган грунтларни ҳажм йиғиндисидан келиб чиқиб, фақат қурилишни ташкил этиш лойиҳасида кўрсатилган шароитлардаги қўшимча харажатлар орқали аниқланади.

Сув усти қисмига эга бўлмаган землесос қурилмалари орқали кавлаш бўйича қўшимча харажат нормалари, ҳамда грунтларни қўшимча бир жойдан бошқа жойга кўчириш станциялари учун грунтни 0,5 м чуқурликда музлаши қабул қилинган. Ушбу ҳолда грунтларни музлаш чуқурлиги ва бажарилган ишлар хажми ҳар ойнинг охирида икки томонлама далолатнома орқали белгиланади.

## КОНСТРУКЦИЯЛАР ВА ИШЛАР БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ХАРАЖАТЛАР СМЕТА НОРМАЛАРИ

**4 - жадвал**

| № | Ишлар тури | Ҳарорат зоналари | |
|---|---|---|---|
| | | I | II |
| **1. Ер ишлари** | | | |
| 1 | Йўл қурилиши ва гидротехникадан ташқари барча қурилиш турларидаги грунтларни экскаватор билан ағдариш ёки автосамосвалларга ортиш | 15,37 | 38,41 |
| 2 | Шунингдек, гидротехника қурилишида | 6,6 | 11 |
| 3 | Ҳандаклар, карерларни экскаватор билан кавлаш, грунтлар ва кавалерларни ёки йўл қурилишидаги тупроқларни ётқизиш | 7,7 | 16,5 |
| 4 | Шунингдек, қоя жинслари, ҳамда қум, тош, шағаллик грунтлар, қуруқ ҳолда салбий ҳарорат тушгунча ва барча қурилиш турларидаги муздан тушган грунтлар | 2,04 | 2,91 |
| 5 | Чуқурлик ва карерларда грунтларни экскаватор билан кавлаб темир йўл транспортида ташиш ва грунтларни кўтармаларга тўкиш | 2,50 | 4,30 |
| 6 | Шунингдек, қоя жинслари, ҳамда қум, тош ва шағаллик грунтлар, қуруқ ҳолда салбий ҳарорат тушгунча ва барча қурилиш турларидаги муздан тушган грунтлар | 0,78 | 1,18 |
| 7 | Грунтни прицепли ва ўзиюрар скреперлар билан ишлаш | 1,20 | 1,60 |
| 8 | Грунтларни бульдозерлар билан ишлаш, грунтларни прицепли катоклар билан шиббалаш ва тракторли юмшатгичлар билан юмшатиш | 1,80 | 2,39 |
| 9 | Магистрал қувурлар учун траншеялар кавлаш, сувларни чиқазиб ташлашни ҳисобга олиб | 10,34 | 52,48 |

| № | Ишлар тури | Ҳарорат зоналари | |
|---|---|---|---|
| | | I | II |
| 10 | Траншеялар ва котлованларни мустаҳкамлашни ҳисобга олиб қўлда грунтларни кавлаш ва тўкиб тўлдириш | 17,0 | 32,0 |
| 11 | Сувларни чиқазиб ташлаш | 1,9 | 2,6 |
| 12 | Дарахтларни йиқитиш, судраб ташиш, ажратиш ва ажратиш майдонларини қуриш | 4,2 | 6,6 |
| 13 | Тўнкаларни ташиб чиқиш | 2,3 | 3,5 |
| 14 | Грунтларни пневматик ёки электр шиббалагичлар билан зичлаш | 4,39 | 6,79 |
| 15 | Грунтларни оғир шиббалагичлар билан зичлаш | 0,40 | 0,70 |
| 16 | Ботқоқларга грунтларни тўкиш ва обкатка этиш (ўт-ўлан қопламаларни йўқотиш, грунтларни ботқоқлик чегарасида суриш, тўкмаларни обкатка этиш ва назоратли бурғулаш) | 6,1 | 7,9 |
| **Гидромеханизацияланган ер ишлари** | | | |
| 17 | Барча гуруҳ грунтларини қўшимча ишларини ҳисобга киритиб кавлаш, ётқизиш ва қувурларни землесос снарядлари билан ётқизиш | 3,9 | 8,3 |
| 18 | Барча гуруҳ грунтларини қўшимча ишларини ҳисобга киритиб кавлаш, ётқизиш ва гидромонитор-насос қурилмалари билан қувурларни ётқизиш | 8,6 | 21,6 |
| 19 | Барча гуруҳ грунтларини землесос станциялари, сузувчи землесос станциялари билан биргаликда ишлаганда, транспортда қўшимча ташиш | 2,9 | 6,8 |
| 20 | Барча гуруҳ грунтларини землесос станциялари, гидромонитор-насосноземлесос станциялари билан биргаликда ишлаганда транспортда қўшимча ташиш | 8 | 21,4 |
| **Ер иншоотлари, мелиорация ва сув хўжалигидаги ишлар** | | | |
| 21 | Якка ковишли экскаваторлар билан каналлар, дамбалар, марзалар қуриш | 18,79 | 21,29 |
| 22 | Булдозерлар билан тупроқ тепалар (отваллар) ни текислаш | 3,70 | 4,80 |
| 23 | Гуруч полларини ва суғориладиган майдонларни текислаш | 1,40 | 1,90 |
| 24 | Кўп ковишли экскаваторлар билан ёпиқ дренажларга траншеялар кавлаш | 16,40 | 18,60 |
| 25 | Ёпиқ дренажларни қўлда ёки дренаж ётқизувчи экскаваторлари билан қуриш | 1,06 | 1,54 |
| 26 | Дарахтларни йиқитиш бўйича маданий-техник ишлар, майдонларни тозалаш ва дарахтларни ажратиш | 4,94 | 7,90 |
| 27 | Майдонларни буталардан ва майда дарахтлардан тозалаш, тўнкаларни суғуриш ва тошларни бир жойга тўплаб тозалаш бўйича маданий-техник ишлар | 2,0 | 2,60 |
| **Сув сатҳини пасайтириш ва қуритиш** | | | |
| 28 | Иглофилтрлар билан грунт сувларни сатҳини пасайтириш (насослар ишининг харажатисиз): | | |

| № | Ишлар тури | Ҳарорат зоналари | |
|---|---|---|---|
| | | I | II |
| | а) енгил | 14,34 | 18,50 |
| | б) эжекторли | 4,82 | 5,67 |
| **2. Тоғ-кон юзларини очиш ишлари** | | | |
| 1 | Грунтларни экскаватор билан кавлаб траншея бортига ёки ишлаб чиқилган текисликга ётқизиш | 1,20 | 1,80 |
| 2 | Шунингдек, қоя жинслилар | 1,20 | 1,80 |
| 3 | Грунтларни экскаваторлар билан кавлаб ўзи тўкар вагонларга юклаш ва темир йўл транпортида ташиш | 1,5 | 2,4 |
| 4 | Шунингдек, қоя жинслилар | 1,5 | 2,4 |
| 5 | Грунтларни экскаватор билан кавлаб автосамасвалларга юклаш, транспортда ташиш ва экскаваторда уюмлаш | 1,9 | 2,8 |
| 6 | Шунингдек, қоя жинслилар | 1,9 | 2,8 |
| **3. Бурғулаб портлатиш ишлари** | | | |
| 1 | Тоғ жинсларини қудуқ зарядлари билан юмшатиш ва габаритсизларини майдалаш | 0,4 | 0,8 |
| 2 | Тоғ жинсларини камера зарядлари билан юмшатиш ва габаритсизларини майдалаш | 0,89 | 1,09 |
| 3 | Тоғ жинсларини шпур зарядлари билан юмшатиш ва габаритсизларини юмшатиш | 1,10 | 1,90 |
| 4 | Тўнкаларни суғуриш | 1,59 | 2,39 |
| **4. Қудуқлар** | | | |
| 1 | **Қудуқларни бурғулаш усуллари:** | | |
| | а) Зарбали арқонли | 4,6 | 6,6 |
| | б) Роторли | 4,6 | 5,3 |
| | в) Колонкали | 3,8 | 4,4 |
| | г) Зарбали айланмали | 5 | 5,5 |
| | д) Перфораторли | 3,4 | 3,9 |
| **5. Қозиқ оёқ ишлари. Грунтларни мустаҳкамлаш. Ўз оғирлиги билан пастга тушириладиган қудуқлар** | | | |
| 1 | Ердан ва ҳавозалардан бажариладиган қозиқ оёқ ишлари | 2,23 | 3,40 |
| 2 | Бурғулаб қоқиладиган қозиқ оёқ қурилмалари | 3,56 | 3,93 |
| 3 | Филтрлашга қарши пардалар ва чуқурлаштирилган иншоотларни “грунтдаги девор” усули билан қуриш | 3,29 | 5,08 |
| 4 | **Дарё шароитида қозиқ оёқ ишлари** | | |
| | **Сузувчи мосламалардан чўктириш:** | | |
| | а) Пўлат шпунтларни суғуриш | 0,60 | 1,20 |
| | б) Ёғочли қозиқ оёқлар | 3,30 | 3,50 |
| 4 | в) Диаметри 2 м гача пўлат шпунтлар ва қозиқ оёқ қобиқлар | 0,10 | 0,19 |
| | г) Темир-бетон қозиқ оёқлар | 0,8 | 0,9 |

| № | Ишлар тури | Ҳарорат зоналари | |
|---|---|---|---|
| | | I | II |
| 5 | **Грунтларни мустаҳкамлаш:** | | |
| | а) Цементлаб | 5,4 | 6 |
| | б) Силикатлаб ва смолалаб | 6,2 | 7,7 |
| 6 | **Ўз оғирлиги билан пастга тушуриладиган қудуқлар** | | |
| 6.1 | Ўз оғирлиги билан пастга тушуриладиган қудуқлар конструкциясини қуриш | 8,41 | 8,76 |
| 6.2 | Грунтларни кавлаб қудуқларни пастга тушуриш: | | |
| | а) Экскаватор билан | 3,83 | 6,47 |
| | б) Гидромеханизация усули билан | 3,07 | 4,39 |
| **6. Монолит бетон ва темир-бетон конструкциялари** | | | |
| 1 | Фуқоро уй-жой, саноат бинолари ва иншоотлари конструкциялари: | | |
| | а) Пойдеворлар | 2,9 | 3,2 |
| | б) Пойдеворлардан ташқари барча конструкциялар | 4,3 | 5 |
| 2 | Сув қувур ва канализация иншоотлари | 8,1 | 8,7 |
| 3 | Сирпанувчи ва бошқа тур опалубкаларда қуриладиган иншоотлар | 13 | 13,6 |
| **7. Йиғма бетон ва темир-бетон конструкциялари** | | | |
| 1 | Саноат бинолари ва иншоотлари | 0,9 | 1,3 |
| 2 | Фуқоро уй-жой бинолари | 0,7 | 1 |
| 3 | Донларни сақлаш учун силос корпуслари | 0,7 | 0,8 |
| 4 | Иссиқлик станцияларини бош корпуслари | 0,6 | 0,8 |
| 5 | Сув қувур ва канализация иншоотлари | 1,37 | 1,87 |
| **8. Ғиштли ва блокли конструкциялар** | | | |
| **Иситилмаган хоналарда бажариладиган тош конструкциялар** | | | |
| 1 | Пойдеворлар остидаги асослар (қум, шағал ва бошқалар) | 1 | 1,2 |
| 2 | Бўш тошли конструкциялар (массивлар, тасмалилар ва устунлилар, пойдеворлар, деворлар, тиргович деворлар ва бошқалар) | 5,6 | 6,9 |
| 3 | Ғиштли конструкциялар (оддий, енгил, силикатли) ва керамик тошлар | 1,9 | 3,2 |
| 4 | Деворлар, пойдеворлар ва массивларни ўрамли материаллар билан устини текислаб горизонтал гидроизоляциялаш | 1,9 | 5,4 |
| 5 | Деворлар, пойдеворлар ва массивларни ён томонини ўрамли материаллар билан гидроизоляциялаш | 1,2 | 1,5 |
| 6 | Ташқи ва ички пўлат трубали ҳавозалар | 4,1 | 5,2 |
| **Иситиладиган хоналарда бажариладиган тош конструкциялар** | | | |
| 7 | Ғиштли пардеворлар | 0,4 | 0,8 |

| № | Ишлар тури | Ҳарорат зоналари | |
|---|---|---|---|
| | | I | II |
| 8 | Плитали пардеворлар (гипсли енгил бетонли плиталар, шиша блоклар ва шлако-бетонлар) | 0,3 | 0,3 |
| 9 | Деразатокча плиталари | 0,16 | 0,2 |
| 10 | Печлар ва ўчоқлар | 0,6 | 0,7 |
| | **Аҳлат қувурлари** | | |
| 11 | Очиқ ҳавода ёки иситилмайдиган хоналарда бажариладиган аҳлат қувурлари | 0,70 | 1,1 |
| | **9. Металл конструкциялар** | | |
| 1 | Жамоат ва саноат бинолари, саноат печлари ва кокосохимик заводларнинг пўлат конструкциялари | 0,89 | 1,09 |
| 2 | Саноат иншоотларининг пўлат конструкциялари (домна комплекслари, резервуарлар, газогольдерлар, кран йўллари, қувурлар, металл элеваторлар ва бошқалар) | 1,19 | 1,59 |
| | **10. Ёғоч конструкциялар** | | |
| 1 | Ёғоч конструкцияларнинг ҳамма турлари | 0,60 | 0,79 |
| | **11. Поллар** | | |
| 1 | Иситиладиган хоналарда бажариладиган тўшама қатламлар, гидроизоляция, теплоизоляция ва барча тур полларни қоплаб ётқизиш | 0,23 | 0,22 |
| 2 | Иситилмайдиган хоналарда тахта полларни ётқизиш | 0,59 | 0,89 |
| | **12. Томлар** | | |
| 1 | Йўналтирилган ўрамли уч қатламли томлар | 4,37 | 5,73 |
| 2 | Мастикали ўрамли уч қатламли томлар | 4,45 | 6,01 |
| 3 | Мастикали ўрамли тўрт қатламли томлар | 3,40 | 4,57 |
| 4 | Асбест-цемент листли тўлқинли томлар ва фасад қопламалари | 1,18 | 1,66 |
| 5 | Руҳланган пўлат листдан майда қопламалар | 1,10 | 1,50 |
| 6 | Томларни мастикада ёпиштирилган плиталар билан иситиш, ёпиштирилган пароизоляция | 1,63 | 2,37 |
| 7 | Асфалт-бетон стяжкалар | 0,3 | 2,72 |
| | **13. Қурилиш конструкциялари ва асбоб-ускуналарни занглашдан ҳимоялаш** | | |
| 1 | Иситиладиган хоналарда қурилиш конструкцияларини занглашга қарши ҳимоялаш (плиталар билан футеровка этишдан ташқари) | 0,3 | 0,3 |
| 2 | Иситиладиган хоналарда плиткалар билан футеровка этиш | 0,2 | 0,5 |

| № | Ишлар тури | Ҳарорат зоналари | |
|---|---|---|---|
| | | I | II |
| | **14. Қишлоқ қурилиши конструкциялари** | Тўпламнинг 4-жадвали бўйича керакли бўлим бўйича нормалаштирилади | |
| | **15. Пардозлаш ишлари** | | |
| | **Очиқ ҳавода:** | | |
